2007 ЙИЛ, 13 АВГУСТ, ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (10.963)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН — ЮНЕСКО:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚАМРОВИ КЕНГ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 10 АВГУСТ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЮНЕСКОНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ РАҲБАРИ МАЙКЛ БАРРИ ЛЕЙННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётганини, бунда 1996 йилдан буён мамлакатимизда фаолият юритиб келаётган Майкл Барри Лейннинг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини таъкидлади.

— Биз ЮНЕСКО билан изчил ривожланаётган ҳамкорликни, ушбу ташкилот Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келаётганини юксак қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланган 1996 йилда очилган. Ўша йили Президент Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳига ташриф буюриб, Амир Темур юбилейи билан боғлиқ тадбирларда, жумладан, «Темурийлар даврида фан ва маданият тараққиёти» деб номланган халқаро кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг Ибн Сино номидаги ҳамда «Боробудур» олтин медаллари билан тақдирланган.

1998 йилда ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлиси Ўзбекистонда ўтказилди. Унда «Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатларидаги фаолияти» мавзуидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад ал-Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимизнинг, Бухоро, Хива, Термиз ва Қарши сингари қадим шаҳарларимизнинг, «Алпомиш», «Авесто» каби бебаҳо қадриятларимизнинг ва Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда ЮНЕСКО шафеълигида қатор халқаро анжуманлар бўлиб ўтди. «Маданият соҳасидаги сармоя», «Банк соҳасига ва бизнесга янги технологиялар жорий қилиш», «Самарқанднинг мовий сопол буюмлари», «Сўфийлик ва динлараро мулоқот» мавзуидаги симпозиум ва форумлар, таълим соҳасида бюджетни режалаштириш, Оролни қутқариш каби масалаларга бағишланган анжуманлар шулар жумласидандир.

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик хорижда ўзбек маданиятини тарғиб қилиш имконини бермоқда. Бунга Самарқандда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига келаётган қатнашчилар жуғрофияси тобора кенгайиб бораётгани ҳам ёрқин мисолдир.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда маданий мерос дурдоналарини, жумладан, «Шашмақом»ни, гиламдўзлик ва кулолчиликни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказишга, бу йўналишларда тегишли соҳа мутахассисларининг малакасини оширишга қаратилган ўнга яқин лойиҳа амалга оширилди.

Мамлакатимизда қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, буюк аждодлар меросини ўрганиш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини ҳаққоний баҳолаш, қадимий маданиятимизни, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш ва тарғиб қилиш борасида мазкур ташкилот билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун Майкл Барри Лейнга Ватанимизнинг «Дўстлик» орденини топширди.

М.Барри Лейн юксак эътибор, Ўзбекистонда ишлаган вақтида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ҳар томонлама ривож топганига, мамлакатимиз ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилганига гувоҳ бўлиб келганини таъкидлади. Мамлакатимизда ўтказган йилларини асло унутмаслигини, бой таассуротлар билан қайтаётганини, бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшажагини алоҳида қайд этди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

### ЮНЕСКОНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ РАҲБАРИ МАЙКЛ БАРРИ ЛЕЙННИ "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси билан ЮНЕСКО ўртасидаги икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришдаги катта хизматлари, ўзбек халқининг бой маданий, маънавий ва тарихий меросини кенг халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилгани, шунингдек, таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 9 август.*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Янгиликлар, воқеалар**



«Анталия текс» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**СУРАТДА: корхона чеварлари Нозима Содиқова, Маҳмуда Бекалиева ва Нозима Исломовалар.**

## Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида юртимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишлаб «Буюк келажак сари» мавзуида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастурида Шароф Рашидов маҳалласи фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

●**БУГУН** Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Тошкент Ботаника боғига саёҳат қилишди.

●**«ЧИНОБОД»** санаторийсида Ўзбекистон халқ артисти Олмахон Ҳайитованинг концерт дастури Юнусобод туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан уюштирилди.

●**КЕЧА** мамлакатимиз олий ўқув юртларида абитуриентлар ўртасида ўтказилган тест синовларининг натижалари эълон қилинди.

●**ЎТГАН** куни шаҳримизда болалар ва ўсмирлар ўртасида футбол бўйича уюштирилган «Пахтакор-79» хотира турнирининг финал учрашуви бўлиб ўтди. Унда ёш пахтакорчилар Қирғизистоннинг «Олға» жамоасини 7:0 ҳисобида мағлуб этиб турнир ғолиблигини қўлга киритишди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

***БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари сифатида фаолият кўрсатган Майкл Барри Лейн мамлакатимиздаги ўз ишини якунлади. Маълумоти бўйича меъмор бўлган Лейн жаноблари мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган йиллар давомида халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга хизмат қилган қатор лойиҳалар ЮНЕСКОнинг бевосита иштирокида амалга оширилди.***

***ЮНЕСКО бош қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрига жўнаб кетиш олдидан жаноб М.Б.Лейн «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимизда кечган фаолиятининг айрим натижалари хусусида сўзлаб берди.***

## МАЙКЛ БАРРИ ЛЕЙН:

# «ЎЗБЕКИСТОНДА ЮЗ БЕРАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИМ»

**— Жаноб Лейн, сиз Ўзбекистондаги фаолиятингизни якунламоқдасиз. Ҳаётингизнинг ўн икки йили ўзбек заминида кечди. Ўтган йиллар давомидаги фаолиятингиз натижаларидан қай даражада қониқдингиз? Ўз олдингизга қўйган мақсадларга тўла эриша олдингизми?**

— Биласизми, ўн икки йил ҳар қандай инсон ҳаётида катта давр ҳисобланади. Бу давр ўз ҳаётим йилларининг бешдан бири. Ўзбекистондек мамлакатда ЮНЕСКО учун жуда кенг кўламли фаолият майдони мавжуддир. Ўзи бажарган ишлардан тўла қониқиш ҳосил қилган одамлар кам топилса керак. Мен, масалан, Ўзбекистонда кўп йил ишлаган бўлсам-да, ўз фаолиятимнинг натижаларидан тўла қониққаним йўқ. Режалар, лойиҳалар шу қадар кўпки, уларни амалга ошириш учун келажакда менинг лавозимимда фаолият юритадиган ҳамкасбларимга ҳам анча вақт талаб этилади.

Ўтган йиллар давомида мен Ўзбекистон жамиятида юз бераётган кенг кўламли ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим, халқингизнинг маънавий ва маданий дунёси нақадар бойлигини чуқурроқ англаб етдим. Уларнинг моҳияти ва ранг-баранглигини янада теранроқ идрок этиш учун яна ўн икки йил ва балки ундан ҳам кўпроқ вақт керак бўлар эҳтимол.

*( Давоми 2-бетда).*

***Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан шу йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияга ўттиздан ортиқ мамлакатдан вакиллар келиши кутилмоқда. Мазкур йирик халқаро анжуманнинг илк меҳмонлари – Япония вакиллари 10 август куни Тошкентга етиб келди.***

***Уларнинг айримлари дастлабки таассуротларини баён қилди.***

# АНЖУМАННИНГ ИЛК МЕҲМОНЛАРИ — ЮРТИМИЗДА

**Япониянинг Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институти ижрочи директори Тетцужи ТАНАКА:**

— Шундай йирик халқаро анжуманда иштирок этиш менга катта мамнуният бағишлайди. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий обида ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тиклаш ва таъмирлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли хайрли ишлар таҳсинга лойиқдир. Икки ой аввал юртингизга келганимда Ҳазрати Имом мажмуини зиёрат қилган эдим. Қисқа фурсат ичида янгидан бунёд этилган ушбу мажмуа менда ниҳоятда катта таассурот қолдирди. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатингизда истиқлол йилларида миллий-маданий қадриятларни тиклаш борасида қилинган бетимсол ишларнинг, ислом маданияти ривожига аждодларингиз қўшган улкан ҳиссанинг халқаро эътирофидир.

**Токио жамғармасининг катта тадқиқотчиси, Яқин Шарқ ва ислом масалалари бўйича мутахассис Йошиаки САСАКИ:**

— Ўзбекистон жаҳон илм-фани ва ислом маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд аз-Замахшарий каби буюк сиймолари, қадимий меъморий ёдгорликлари, тарихий обидалари билан дунёга машҳур. Японияда ислом динига эътиқод қилувчилар Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларни катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганадилар.

Япония Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Келгусида ўзаро алоқаларимиз барча соҳада янада равнақ топишига ишонаман.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## АКБАР ЎЗГЕН:

# «АНЖУМАН ИСЛОМ ДИНИ БАҒРИКЕНГЛИГИНИ НАМОЙИШ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ»

**«Ота-боболаримнинг Ватани — Ўзбекистон доимо менинг юрагимда» - Тошкентда бўлиб ўтадиган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равнақига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиши режалаштирилаётган «Покистон — Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти Акбар Ўзгеннинг маърузаси ана шу сўзлар билан бошланади.**

Жорий йил август ойи ўрталарига мўлжалланаётган анжуман Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилдаги ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишига бағишланган тадбирлар доирасида бўлиб ўтади.

— Отам асли Фарғона водийсидан, онам эса Бухородан, — деб ёзади жаноб Ўзген. — Болалигимда бобом ва бувим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ватани бўлган Ўзбекистон ҳақида менга жуда кўп нарсаларни гапириб беришган. Уларнинг ҳикояларини мароқ билан тинглар эканман, қалбимда бу ажойиб ўлка ҳақида имкон қадар кўпроқ билиш иштиёқи кучайиб борар эди.

Бугун Ўзбекистон пойтахти — бетакрор Тошкент 2007 йилдаги ислом маданияти пойтахти, деган шарафли унвонга сазовор бўлиб турибди. Ўзбекистон ислом дини тарихини ўрганиш мен учун доимо энг қизиқарли машғулотлардан бири бўлиб келгани учун бу тўғрисидаги янгилик мени айниқса чуқур ҳаяжонга солган эди. Ислом дини ўзбек халқининг ахлоқий ва маънавий дунёқараши асосини ташкил этиб келган ва шундай бўлиб келмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

●**Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Қибрай туманида аёлларга мўлжалланган янги ўқув маркази ташкил этилди. Марказдаги машғулотлар чеварлик, компьютер саводхонлиги ва пазандалик йўналишлари бўйича олиб борилади. Энг муҳими, бу ерда бир ой давомида 30 нафар хотин-қиз бепул сабоқ олиб, ўзлари қизиққан соҳага оид маҳоратларини оширадилар.**

●**Қаршидаги «Дунё-М» акциядорлик жамияти жамоаси хорижлик истеъмолчилар эҳтиёжини ҳам қондиряпти. Хусусан, йил бошидан буён Афғонистон, Эрон ва Туркманистонга 10658 тонна ун, 25987 тонна дон экспорт қилинди. Четга жўнатилган маҳсулот миқдори 7,5 миллиард сўмликдан ошиб кетди.**

●**«2007-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ Пешку тумани, Заҳкаш қишлоғида жойлашган 42-мактабнинг икки қаватли янги биноси қад ростлади. Барча қулайликларга эга бўлган мактаб биноси Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилади.**

●**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Шарқ қўлёзма китобларининг ноёб дурдоналари» кўргазмаси очилди. Бундай экспозиция республикада илк бор ташкил этилмоқда.**

●**«Чирчиқ трансформатор заводи» акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси томонидан яратилган яна бир имтиёздан баҳраманд бўлишмоқда. Йил давомида касаллик варақасисиз ишлаган ишчи-хизматчиларга белгиланган энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорида мукофот пули берилмоқда.**

●**«Ўзбекистоннинг энг сара маҳсулоти» республика танловининг Наманган вилоят босқичи бўлиб ўтди. 20 дан зиёд жамоа ўз маҳсулотлари билан қатнашган танловда «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги ғолиб чиқди.**

●**Самарқанддаги заводда ишлаб чиқарилган янги модификациядаги «Исузу» йўловчи автобусларининг дастлабки туркуми Навоийга келтирилди.**

● **Наманганда «Бизнес, аудит, баҳо, мулк» деб номланган тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари учун мўлжалланган янги журнал нашр этила бошлади.**

●**Қарши шаҳрида 3000 томошабинга мўлжалланган ёпиқ теннис корти қуриб битказилди. «Ўзмахсусмонтаж» акциядорлик жамиятига қарашли 97-қурилиш жамламаси бунёд этган янги спорт иншоотида 250 миллион сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.**

●**Хоразмдаги «Хазорасптекстил» корхонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти ортмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида корхонада 518 тонна ип-калава ишлаб чиқарилган бўлиб, маҳсулотнинг 404,5 тоннаси хорижга экспорт қилинмоқда.**

### ЖАҲОНДА

●**Кеча Сьерра-Леонеда умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди. 2002 йилдаги фуқаролар урушидан сўнг бу ерда ўтказилган илк президентлик ва парламент сайловларида аҳоли фаол иштирок этиб, хорижлик 350 нафар кузатувчилар ҳам жиддий қоидабузарликлар рўй бермаганини таъкидлашди. Сайловнинг дастлабки натижалари бир ҳафтадан сўнг маълум бўлади.**

●**Кеча Покистон Президенти Парвез Мушарраф Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай билан биргаликда ҳар икки давлат оқсоқоллари Кенгашида қатнашди. Кенгаш якунларига кўра Толибон ҳаракати ва «Ал-Қоида» гуруҳига қарши ҳамкорликда курашиш ҳақида келишиб олинди.**

●**Кеча Белград ва Приштина шаҳарларида Косово мақоми юзасидан БМТ, Россия ва АҚШ шафелигида бўлиб ўтган музокаралар натижасиз якунланди. Охироқибатда яна 120 кундан кейин ушбу масала БМТ Хавфсизлик Кенгашига киритиладиган бўлди.**

●**«Airbus» компанияси Бразилиянинг Сан-Пауло аэропортида ҳалокатга учраган «А-320» самолётида учувчи томонидан хатолиқ рўй бермаганини маълум қилди. Мазкур самолёт шу йилнинг 17 июлида ҳалокатга учраган ва барча айб учувчида, дея тахмин қилинган эди. «Қора қути»даги ёзувлар эшитилгандан сўнг самолётнинг техник носозлиги расман тасдиқланди.**

●**Филиппинда ҳукумат кучлари ва «Абу-Сайаф» террорчи ташкилоти жангарилари ўртасидаги тўқнашувлар давом этмоқда. Жумладан, кейинги кунлар давомида Сува музофотининг жанубидаги тўқнашувлар 52 кишининг ҳаётига зомин бўлди.**

●**Кеча Кенияда тинимсиз ёғаётган ёмғирлар натижасида ер кўчиши оқибатида 20 киши вайроналар тагида қолиб кетди, 34 киши эса жароҳатланди. Маъмурлар ушбу ҳудудда илгари ҳеч қачон ер кўчиши рўй бермаганлигини таъкидламоқдалар.**

●**Римдаги жаҳонга машҳур «Чинечитта» киностудиясида кучли ёнғин рўй берганлиги натижасида умумий майдони 2000 квадрат метр бўлган ангар бутунлай куйиб кул бўлди.**

# KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



**БОЛАЛИК ДУНЁСИ МУСАФФО ОСМОНГА, ЗИЛОЛ СУВЛАРГА, ЁРУҒ ТОНГГА ЎХШАЙДИ. БУ ОЛАМ ИЧРА УНИНГ КУЛГУСИДАН-ДА БЕҒУБОР, ТАБАССУМИДАН-ДА ШИРИНРОҚ ХИЛҚАТ БЎЛМАСА КЕРАК! УЛАР БИЗГА ИШОНАДИ. БУ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ БИЗ КАТТАЛАРНИНГ БУРЧИМИЗ. АЙНАН ШУ МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТГАН ҲОЛДА ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАР ЁШЛАРИМИЗ УЧУН ҚИЛИНАЁТГАНЛИГИНИ БОЛАЛАРИМИЗ УНУТМАСЛИКЛАРИ ЛОЗИМ.**



*Болаликнинг осмонлари беғубор,*
*Кўзларида меҳр тўла севги бор*
*Юрагида заррача ҳам йўқ ғубор,*
*Қувон, куйла, ўйна болажон!!!*

## ЁРУҒ ТОНГЛАР ТАБАССУМИ

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деб ишонч билдираётганларида айнан биз ёшларни назарда тутган бўлсалар ажаб эмас. Бу сўзлар замирида айнан ёшларга бўлган юксак ишонч ётганлиги кўриниб турибди.

Мана шу мақсад йўлида «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар кенгаши, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимияти ҳамда Маънавият ва маърифат марказлари ҳамкорлигида ёзги мавсумга мўлжалланган, бугунги кунда анъанага айланган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилди. Шаҳарча ҳудудида жойлашган «Беруний майдони», «Хислат», Беруний, «Чиғатой-Оқтепа», Мирзо Ғолиб ҳамда «Шифокорлар» маҳаллаларида Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллик байрами олдидан «Бу азиз байрам—барчамизники, бутун халқимизники» деган эзгу шиор остида «Камолот» билан бирга» номли мусиқий-маданий тадбирлар бўлиб ўтди. Тадбирга бир қанча ёш ва истеъдодли, таниқли санъаткорлар ташриф буюриб қатнашчиларга кўтаринки кайфият бағишладилар. Бу тадбирларнинг ўзига хос тарзда ўтишида маҳаллалар фаоллари катта ҳиссаларини қўшдилар. Нафақат маҳалла фаоллари, балки онахонлар ҳам даврага чиқиб ўйин-кулги қилиб кўнгилларини ёзишди. Айниқса болажонларимизнинг қувончлари ичларига сиғмади. Улар учун турли мавзулардаги қизиқарли ўйинлар, «Маҳаллада оромгоҳ», «Келинг, табиатни асрайлик», «Юртим жамоли фахрим- ғуририм», «Мурувват уйларига ташриф» ҳафталиклари, баҳру-байтлар, қўшиқ айтиш, маҳаллалараро турли спорт мусобақалари ўтказилди.



Айнан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида бир қанча бепул ўқув курслари ташкил этилди. Жумладан «Сартарошлик», «Тикишбичиш», «Биринчи тиббий ёрдам», «Инглиз тили», «Рус тили», «Компьютер саводхонлиги» ўқув курслари олий маълумотли ўқитувчилар томонидан олиб борилди.

Ватан олдида ҳамма баробар, унинг тинчлигини сақлашга ҳар бир инсон масъулдир. Тинчлигимизни кўз қорачиғидек асраб –авайлаш бизнинг юрт олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Шундай экан ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беқиёс аҳамияти, она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш ҳам бизнинг бурчимиздир.

Куни кеча Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ёшлик» ҳокимияти ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида маҳаллаларда ўтказилаётган «Камолот» билан бирга» тадбирининг финал босқичи Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги олдидан ва «Маҳалла куни» муносабати билан бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар эришаётган ютуқларимиз мустақиллигимиз шарофати билан эканлигини, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти инсон омилига қаратилгани, юрт ободлиги ва фаровонлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиши лозимлиги, айниқса бу борада ёшлар фаол бўлиши кераклигини яна бир бор таъкидладилар.

Таниқли санъаткорлар ташрифи тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади. Барча маҳаллалардан келган болажонлар учун бепул музқаймоқ ва ширинликлар тарқатилди. Уларга «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Нафиса РУСТАМОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси**

## ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

**ЁШЛАР—ЮРТ КЕЛАЖАГИ. ШУ БОИС БУГУНГИ КУНДА ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ, БАРЧА СОҲАЛАРДА ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР, ЯНГИДАН БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ИНШООТЛАР—ҲАММАСИ БИЗ ЁШЛАР УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЭСА ЯНА БИР МУҲИМ МАСАЛАЛАРДАН БИРИДИР. ҲОЗИРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «КАМОЛОТ» ЁИҲ, «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИ ЮҚОРИДА КЕЛТИРИЛГАН ФИКРЛАРГА ДАЛИЛ БЎЛА ОЛАДИ.**

2002 йилда ўз ишини бошлаган Ёшлар тармоғи маркази ҳам бугун турли соҳаларда лойиҳалар ташкил этиб, ўз атрофида иқтидорли, ёш, ташаббускор, энг асосийси, меҳнатсевар ёшларни бирлаштирган. Ушбу Ёшлар тармоғи БМТ ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, марказ лойиҳа асосида қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

### БОШ РЕЖА АСОСИДА

2000 йилда БМТ ва дунё тарихида муҳим воқеа бўлиб ўтди. Айни шу йилда жаҳоннинг 189 та мамлакатлари раҳбарлари «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари»ни қабул қилдилар ва ушбу режани 2015 йилгача бажаришни ўз зиммаларига олдилар. БМТнинг ёшлар тармоғи томонидан «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари» бўйича, яъни: бошланғич ва ўрта таълим, қизлар ва ўғил болаларнинг тенг ҳуқуқлилиги, болалар, ўсмирлар ва оналар саломатлиги, ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш, экология ва атроф-муҳитни асраш каби саккиз йўналишларда юртимизда жойлашган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрти муассасаларида ўқув-семинар, лойиҳа, амалий машғулот ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

### ФАҚАТ АМАЛИЙ ИШЛАР...

Бугунги кунда Республикамизда ёшлар ташкилотлари талайгина. Аммо ёшлар билан амалий тарзда фаолият олиб борувчи, ҳақиқатда амалий ишлар қилувчи, ёшларга керакли мавзуларда маълумот берувчи ташкилотлар саноқли. Ёшлар тармоғининг мақсади ҳам болалар ва ўсмирлар ҳаётида керак бўладиган, оддий бўлсада, лекин муҳим мавзуларда иш олиб бориш. Кўпгина чекка-чекка қишлоқларда, вилоятларда лойиҳалар ташкил этувчи Ёшлар тармоғи бугунги кунга келиб ўз салоҳиятини кенгайтирмоқда.

Яқинда 15-сонли ўрта мактабда ёшлар фаоллигини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли мавзуларда амалий машғулотлар орқали маълумотлар бериш, уларни бир сафда бирлаштириш мақсадида «Сафимизга қўшилинг» ва «Биз—албатта соғлом бўламиз!» номли ёшлар акцияси ўтказилди.

—Олимларнинг аниқлашларича ўқувчи маълумотларни 10 фоиз ўқиб, 20 фоиз эшитиб, 30 фоиз кўриб, 50 фоиз кўриб-эшитиб, 80 фоиз гапириб, 90 фоиз гапириб ва амалда бажариб эслаб қолар экан. Бизнинг мақсадимиз 90 фоизга йўналтирилган бўлиб, лойиҳани интерфаол усулдаги интеллектуал ўйинлар, расмлар танлови, видео-аудио материаллар, статистик маълумотлар билан ташкил этишга катта аҳамият берамиз ва бу бизнинг энг катта ютуғимиздир, — дейди жамоатчилик билан ишлаш бўлими мувофиқлаштирувчиси Ифода Абдураззоқова.

— Лойиҳа доирасида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари» бўйича турли қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар. Амалий машғулотларда ҳар бир мақсадлар бўйича, махсус дастурлар асосида тренерлар кўмагида вазифалар бежардилар.

### ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

Болаларга ўқув-семинарлар давомида таълимнинг нақадар муҳимлиги, болаларда кўп учрайдиган касалликларнинг олдини олиш, ўстирувчи, ҳимояловчи, қувват берувчи овқатлар ва уларни тановул қилиш қоидалари, тозалик-гигиенага риоя этиш, бадантарбиянинг зарурлиги, эмлаш ва унинг турлари ҳақида маълумотлар берилди.

Шунингдек, болалар ёз мавсумида кўп учрайдиган: офтоб уриши, чўмилиш қоидалари, бурун қонаши, фавқулодда вазиятлар каби болалар ҳаётида учраб турадиган масалалар бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга бўлдилар.

Ёшлар тармоғи тренерлари томонидан ишлаб чиқилган, кўпинча қизларда учрайдиган камқонлик касаллиги, уни даволаш учун темир ва С витаминлар қабул қилиниши, гендер тенглигини мувофиқлаштирувчи, экологик барқарорликни таъминлаш, безгак ва бошқа касалликларга қарши курашиш бўйича интерфаол-интеллектуал машғулотлар муваффақиятли амалга оширилди.

Лойиҳа сўнгида ўтилган йўналишлар бўйича расмлар кўрик-танлови ташкил этилди. Ушбу танловда 30 дан ортиқ болалар иштирок этдилар.

### МЕНГА — КАТТА МАКТАБ БУ!

—Семинар менга жуда ёқди. Бундай лойиҳада биринчи бор иштирок этишим. Мақсадлар бўйича намойиш этилган роликлар, амалий машғулотлар ва ўйинлар катта таассурот қолдирди. Мен албатта бу маълумотларга, ҳаётий мисолларга доимо риоя қиламан. Бундай тадбирларни кўпроқ ўтказилиб турилишини, мактабимизга келиб бошқа соҳаларда ҳам айни шу каби мавзуларда сабоқ беришларини истаб қоламан. Бундай қизиқарли лойиҳаларни ўтказишдан ҳеч қачон чарчашмасин!—дейди лойиҳа иштирокчиси Зуҳриддин Аноқов.

Иштирокчилар БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томониидан тақдим этилган футболка, китоблар ва турли қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Азимжон ҲУСАНОВ,**
**Ёшлар тармоғи лойиҳаси раҳбари,**
**Матбуот хизмати Бош мувофиқлаштирувчиси**

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ҲАҚИДА ҲАММА ЭШИТГАН. АЙРИМ ОДАМЛАР ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ИҚЛИМ ЎЗГАРЯПТИ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИЛАР, БАЪЗИЛАР ЭСА БУ ФИКРГА ҚЎШИЛМАЙДИЛАР. БИЗНИНГ ФИКРИМИЗЧА, ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ҲАҚИҚАТАН ҲАМ МАВЖУД БЎЛИБ, У ЖИДДИЙ ХАВФ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА ВА МАЪЛУМ ДАРАЖАДА ҚАЙТМАС ЖАРАЁНДИР. ШУ ТУФАЙЛИ БУГУНГИ КУНДА ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ УШБУ ГЛОБАЛ ХАВФДАН ТАШВИШЛАНИБ, УНИ ЖИДДИЙ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҲОЛДА, БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.**

*Анжуманлар*

## ТЕЛЕКЛУБ АЪЗОЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзолари ташаббуси билан «Иқлим ўзгариши» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ахборот хизмати раҳбарининг ўринбосари Абдурауф Мусаев, «Ўзгидромет» вакили Татьяна Спектарман ва «Экосан» Халқаро ташкилоти матбуот котиби Хония Асилбековалар ўз маърузаларида иқлим ўзгариб бораётгани жараёни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Дастлабки маъруза ёшларни иқлимнинг умумий тушунчалари билан таништиришга бағишланган бўлиб, табиат ва иқлим ўзгаришларига оид видеороликлар намойиш этилди. Кейинги маърузаларда иссиқлик эффекти механизми, иссиқхона эффекти ҳосил қилувчи газлар ва аэрозоллар ҳамда уларнинг атмосферадаги миқдорий кўрсаткичларининг ўзгаришлари ва келажак иқлими кўриб чиқилди.

Шундан сўнг иқлим ўзгариши масалалари глобал миқёсда ва Ўзбекистон ҳамда унга туташ ҳудудлар мисолида муҳокама этилди. Якунловчи маърузалар эса иқлим ўзгаришига қарши халқаро жавоб ҳаракатларига оид масалаларни ҳамда ушбу ўзгаришга мослашиш муаммоларини қамраб олди.

Ҳаммага маълумки, иқлим Ерда ҳаётни сақлаб туриш учун ниҳоятда муҳим бўлиб, озиқ-овқат хавфсизлигига, ҳаёт ва мол-мулк хавфсизлигига, сув ресурсларига, инсон хотиржамлигига, умуман, барқарор ривожланишга тўғридан тўғри ва жуда чуқур таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, иқлим маълум даражада инсон кайфиятига, унинг характерига ва ҳаттоки унинг фикрлаш доираси-ю маданиятига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам иқлимни табиий ресурс сифатида ҳозирги ва келажак авлодлар фаровонлиги йўлида ҳимоя қилмоқ зарурдир.

**Нодира НИЗАМОВА,**
**«Бунёдкор» ёшлар телеклуби мувофиқлаштирувчиси**

*Ёшлар ижодидан*

## КУТИБ ЯШАЙМАН

*Йўлимизни айирди тақдир.*
*Нолимайман тақдир азалдан,*
*Жоним сени соғиндим ахир,*
*Сен кетмайсан буткул хаёлдан.*

*Дил розингни яшадим кутиб,*
*Келишингни айтмадинг бироқ.*
*Изларингни кўзимга суртиб,*
*Кўзларимни ёшлади фироқ.*

*Боқишларинг ёндириб секин,*
*Севги ўтин қаладинг дилга.*
*Севишимни айтолмай лекин.*
*Тўлар эди кўзларим ёшга.*

*Йўлимизни айирди тақдир,*
*Нолимайман тақдир азалдан.*
*Жоним сени соғиндим ахир,*
*Сен кетмайсан буткул хаёлдан.*

**Зиёда АБДУРАҲМОНОВА**

*Транспорт*

## ХИЗМАТИ ЙЎЛОВЧИЛАРГА МАНЗУР

**«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ ЙИРИК КОРХОНАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНГАН. ТЕМИР ЙЎЛ ОРҚАЛИ ТАШИШЛАРДА АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, СЕРВИС ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ КЕЛАЁТГАН БУ ЖАМИЯТГА ШУНДАЙ МАҚОМ БЕРИЛГАНИГА БЕШ ЙИЛ БЎЛДИ.**

Корхона бир йилда 16 миллион йўловчини ўз манзилларига кузатиб қўйиш имконига эга. Бунинг учун 25 та йўловчи вагонларидан фойдаланилмоқда.

«Темир йўл йўловчи транспортларини модернизация қилиш» инвестицион лойиҳасига кўра корхона яна 25 та вагонни харид қилади. Шу билан бирга янги вагон таъмирлаш заводи ҳам ишга тушади.

*Таълим*

## ШАРҚШУНОСЛАР ИЛМ МАСКАНИ

**БУНДАН 17 ЙИЛ АВВАЛ БУ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА АСОС СОЛИНГАН ЭДИ. ЗЕРО, ЎШАНДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДА ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДИ. 1991 ЙИЛНИНГ ИЮЛИДАН ЭСА БУ ЎҚУВ МАРКАЗИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ БИЛАН ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИГА АЙЛАНТИРИЛДИ.**

Талабаларга қўлёзма асарларни чуқур ўргатиш, келажакда ёзма манбалар устида илмий изланишлар олиб бориш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида манбашунослик ва матншунослик кафедралари очилди.

Хорижий Шарқ мамлакатларининг иқтисодий алоқаларини пухта ўзлаштириш билан эса «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ҳамда «Халқаро муносабатлар» кафедраси шуғулланмоқда.

Олий ўқув юрти ўзининг илмий-оммабоп нашрларига ҳам эга. Кейинги йилларда институт томонидан «Араб тили дарслиги», «Урдучаўзбекча муштарак сўзлар луғати», «Арабчаўзбекча-русча луғат», «Лутфий девонининг изоҳли луғати», «Гулханий», «Зарбулмасал»нинг изоҳли луғати» каби нашрлар босмага тайёрланди.

**Акбар АЛИЕВ**

## МИЛЛИЙ ЭСТРАДА ВА ЗАМОН

**ПОЙТАХТИМИЗДА МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ИСТИҚБОЛИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИ, РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ, МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА ТАНИҚЛИ ШОИР ВА БАСТАКОРЛАР, САНЪАТКОРЛАР, САНЪАТШУНОСЛАР ВА ЁШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий эстрада қўшиқчилик санъатини ривожлантириш, бу йўналишда изланаётган истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Эстрада санъати ривожига кўрсатилаётган эътибор натижаси ўлароқ, кўплаб ёш истеъдод соҳиблари кашф этилмоқда. Она-Ватанимиз, истиқлолимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, эзгу инсоний фазилатларни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, мусиқа асарлари яратилмоқда. Айни пайтда эстрада санъати маданиятини, эстрада ижодкорларининг профессионал малакасини ошириш борасида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Давра суҳбатида ана шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи етук мусиқий асарлар билан бир қаторда, мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан заиф қўшиқлар ҳам концерт дастурлари, телерадиоканаллардан ўрин олмоқда.

Очиқ ва ошкора тарзда ўтган мулоқот чоғида замонавий эстрадада куй басталаш, матн муаммолари, қўшиқчиликнинг бадиий мезонлари, хонандалар фаолиятини лицензиялаш меъёрлари каби масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди, тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

*Юсуф Хос Ҳожиб*
ҲИКМАТЛАР

**Ким ичкилик ичса, ёмон киши ул,**
**Ёмонлик тиласанг, кел, ичувчи бўл.**
**Кимки оқил бўлса, унинг йўли йўқ,**
**Кимки жоҳил бўлса, унгадир кенг йўл.**
* * *
**Эй ярамас киши, кибрингни ташла,**
**То ҳаёт экансан, яхши иш бошла.**
**Истаганча тинчу қайғусиз яша,**
**Яхши ишинг билан кўнгилни хушла.**
* * *
**Дунёда уятнинг қолмади оти,**
**Ҳалол кишиларнинг топилмас зоти.**
**Ҳалол яшаётган киши қани ким?**
**Ҳалолу ҳаромнинг йўқ тафовути.**
* * *
**Одамлар бойларга буриб юзларин,**
**Уларга қул қилиб берар ўзларин.**
**Юзларин ўгириб фақир кишидан,**
**Кўрмасга оларлар юмиб кўзларин.**
* * *
**Эй бойлик ошиғи, билсанг, молу мулк**
**Бу дунёда ҳасрат, у дунёда юк.**
**Ҳаром бўлса молинг — қисматинг азоб.**
**Ҳалол бўлса молинг, ҳисоби бор лек.**
* * *
**Мол-дунёга нега мунча оч кўзинг?**
**Бойлик дилдаги ғам, тилдаги сўзинг.**
**Ўлгач, йиққанларинг душманга қолур,**
**Сенга насиб бўлар икки газ бўзинг.**
* * *
**Тўплаган мол-дунёнг улфатдир сенга.**
**Лекин яширганинг кулфатдир сенга.**
**Ширин туюлади бу кун мол йиғмак,**
**У кун ташлаб кетиш ҳасратдир сенга.**
* * *
**Бу дунё лаззати кўп аччиқ маза,**
**Ташвиши мўл унинг роҳати оз-а.**
**Қайда асал бўлса, ариси ҳам бор,**
**Асал деб, захрини тортасан тоза.**
* * *
**Ҳунармандга дунё вафосизрокдир,**
**Ҳунарсизга бунда жафо озрокдир.**
**Ҳунар билан давлат бирга бўлиши**
**Бу дунёда барча ишдан созрокдир.**
* * *
**Дунёга не қилди бу соҳибхунар,**
**Дунё нега уни тинимсиз қийнар?**
**Хасисни улуғлаб, яхшини хўрлаб,**
**Кину адоватли бу дунё кечар...**
* * *
**Тангри ҳукми билан дунёнинг иши,**
**Тангри амри билан юксалар киши.**

**Эргаш ОЧИЛОВ**
**тайёрлаган**

Газетанинг навбатдаги сони 15 августда чиқади.

*Тадбирлар*

## ШОДИЁНА ОЛДИДАН ТАРОНА

**ЎТИБ БОРАЁТГАН ҲАР БИР ДАҚИҚА, ҲАР БИР СОНИЯ БИЗНИ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ ШОДИЁНАГА — ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА.**

Айни шу қутлуғ сана муносабати билан пойтахтимиз туманларида байрамолди тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласида ўтказилди.

Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт бўлими билан ҳамкорликда Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Мустақиллик —олий неъмат» мавзуидаги байрам тадбирида давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Унда сўз олган Шайхонтоҳур туман ҳокими, туман Маънавият ва маърифат Кенгаши раиси А.Жумабоев, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари И.Абдуғаниевларнинг Ўзбекистон Республикасининг Мустақилликка эришгандан буён ўтган 16 йил ичидаги ютуқлари, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий жабҳалардаги юксалишлар ҳақида тўхталиб ўтдилар. Айниқса, элимиз ардоғидаги ижодкорлар—Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, ва бошқа шоир ва таниқли ижодкорларнинг ташриф буюриши даврага кўтаринки руҳ олиб кирди. Ижодкорлар ўзларининг мустақилликни, озодликни, истиқлолни тараннум этувчи асарларидан намуналар ўқиб беришди.

— Маҳалламиз азал-азалдан маҳаллмамиз кўрки ҳисобланиб келинг—дейди «Илғор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, А.Зокиров.—Шу боисдан бугунги тадбиримизнинг кўтаринки руҳда ўтишини табиий деб ўйлайман. Мустақиллик бизнинг маҳалламизнинг ҳам гуллаб-яшнашига, келажакни равнақига кенг имкониятлар очиб берди. Шу боис, маҳалламизнинг ҳар бир фуқароси Энг улуғ, энг азиз шодиёнамизни меҳнатда улкан ютуқлар билан қарши олмоқдалар.

Истиқлол кунига бағишланган бир пиёла чой, ўзбекона дастурхон сохибидаги байрам кечаси дилрабо қўшиқларга уланиб кетди.

**Хидирали ПАЖИЕВ**

*Спорт янгиликлари*







## ҚИЗИҚАРЛИ ВА МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

**МАҲАЛЛАЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ВОЯГА ЕТМАГАН ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИНИ ЁШЛАРНИНГ КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИГА СИНГДИРИШ, ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ ВА СОҒЛОМ БЎЛИШИГА, ЧИНИҚИШИГА, УМУМИЙ ИШ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ЎСИШИГА ЁРДАМ БЕРИШ, ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ЎЙИНЛАР ВА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАРГА ҚИЗИҚТИРИШ, ЭРТАЛАБКИ БАДАНТАРБИЯ МАШҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШЛАРИГА КЎНИКТИРИШ, ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОРАСИДА ТУРЛИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА ЁЗ ОЙЛАРИ ДАВОМИДА «КЎЧМА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ» ЛОЙИҲАСИ ЎТКАЗИЛДИ.**

«Кўчма спорт ўйинлари»ни ўтказиш давомида маҳаллаларда жамланган болаларни доира шаклига келтириб, улар билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилотини тарғиб қилувчи шиорлар айтилиб, кўнгилларга қувонч бахш этувчи «Зум», «Кайфият», «Йўлчироқ», «Дельфин» каби қизиқарли ўйинлар ташкиллаштирилди.

Спорт мусобақалари давомида югуриш, сакроғичда сакраш, копток билан югуриш, арқон тортиш, пенальти, бир оёқда сакраш, қурбақача сакраш, ўрдакча қадам каби мусобақалар ўтказилди. Энг фаол иштирок этган гуруҳ аъзоларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими Кенгаши томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Маҳаллаларда ўтказилган ҳар бир мусобақада 50-70 нафаргача болалар иштирок этдилар.

Туман Сардорлар ва Етакчилар кенгаши аъзолари учун яна бир амалий тажриба сифатида бўлган ушбу лойиҳа орқали, сардорларнинг омма олдида сўзлаш маданияти, ўзига жалб қилиш маҳорати янада кучайди.

Умуман олганда, маҳаллалардаги ёшлар учун ўтказилган энг севимли ҳамда кўтаринки кайфият билан кутиб олинадиган лойиҳалардан бири «Кўчма спорт машинаси» лойиҳасидир.

**Мирзо МУҲАММАД АЛШЕР**

**СУРАТЛАРДА: маҳаллаларда бўлиб ўтган спорт мусобақаларидан лавҳалар**

**БОКС МУХЛИСЛАРИГА МАЪЛУМКИ, ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ WBA ЙЎНАЛИШИ ЎТА ОҒИР ВАЗНИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ҲАМЮРТИМИЗ РУСЛАН ЧАГАЕВ WBO ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РОССИЯЛИК СУЛТОН ИБРАГИМОВ БИЛАН ҚЎШ КАМАР СОҲИБЛИГИ УЧУН 13 ОКТЯБРДА РИНГГА КЎТАРИЛИШИ КЕРАК ЭДИ.**

## НОМАЪЛУМ МУДДАТГА ҚОЛДИРИЛДИ

Афсуски, Москвада ўтказилиши мўлжалланган ушбу беллашув номаълум муддатга қолдирилди. Руслан Чагаевнинг менежери хабарига кўра ҳозирда ҳамюртимиз бетоб. Шу сабабли у машғулотларда қатнаша олмайди.

Энди Султон Ибрагимов 13 октябрда америкалик машҳур боксчи Эвендер Холифильддан WBO чемпионлик камарини ҳимоя қилади.

**МАЛАЙЗИЯ ПОЙТАХТИ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ҚАРОРГОҲИДА 2010 ЙИЛДА ЎТАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИГА ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИ БЎЛДИ.**

## РАҚИБИМИЗ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Унга кўра саралаш турнирининг дастлабки учрашувини Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Хитой тайпейилик чарм тўп усталарига қарши ўтказади.

Уй-меҳмон тизимида уюштирилаётган мазкур беллашув 8 октябрда Тошкентда, 28 октябрда Хитой Тайпейида бўлиб ўтади. Икки ўйин натижасига кўра ғалаба қозонган терма жамоага саралаш турнирининг гуруҳ баҳсларида қатнашиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон футбол федерациясида ушбу ўйин муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида Рауф Инилеев асосан маҳаллий футболчиларга умид қилаётганини таъкидлаб, Максим Шацких, Виталий Денисов сингари легионерлар Хитой Тайпейи терма жамоасига қарши ўтадиган учрашувга чақирилмаслигини маълум қилди.

Дарвоқе, Ўзбекистон терма жамоаси 22 август куни Украина терма жамоаси билан назорат ўртоқлик учрашувида куч синашади. Сентябрь ўрталарида ёки октябрь ойи бошларида терма жамоамиз яна бир терма жамоа билан ўртоқлик учрашуви ўтказишни режалаштирилаётганлиги йиғилиш қатнашчиларига айтиб ўтилди.

Биз кўпминг сонли мухлислар номидан терма жамоамизга омад ёр бўлсин деймиз.

**Акбар ЙЎЛДШЕВ**

## ИККИ ҲАМЮРТИМИЗ РАМЗИЙ ТЕРМА ЖАМОАДА

**Жорий йилнинг 7-29 июль кунлари Таиланд, Малайзия, Вьетнам ва Индонезия мамлакатларида футбол бўйича ўтказилган Осиё чемпионатининг рамзий терма жамоасига киритилган футболчилар номи эълон қилинди.**

Футбол оламининг энг нуфузли интернет сайтларидан бири - www.goal.com мутахассислари чемпионатда иштирок этган 16 та мамлакат миллий терма жамоалари вакиллари орасида энг кучли ўйин кўрсатган ўн бир нафар футболчини танлаб олишди.

Унга кўра, мусобақанинг чорак финалигача етиб борган Ўзбекистон миллий терма жамоаси вакилларидан ҳимоячи Виталий Денисов ва ярим ҳимоячи Сервер Жепаров қитъамизнинг энг кучли футболчилари сифатида рамзий терма жамоага киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, www.goal.com сайти мутасаддилари фикрига кўра, чорак финалнинг бошқа иштирокчилари орасида рамзий терма жамоага муносиб ўйинчи топилади ва қолган футболчилар ярим финалда тўп сурган юрт вакилларидан танлаб олинди.

Ҳамюртларимиздан ташқари Осиё чемпионатининг рамзий терма жамоасига Жанубий Корея дарвозабони Ли Вун Жай, унинг ҳамюрти Беом Сеук, японялик Южи Наказава, Шунсуки Накамура, ироқлик Нашат Акрам, Яссим Ғулом, Юнус Маҳмуд ҳамда Саудия Арабистони шарафини ҳимоя қилган ҳужумчилар — Малик Мааз ва Яссир Ал-Қаҳтоний киритилди.

**БоҳиБЕК**

*Қилмиш — қидирмиш*

## СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

**ИНСОН УМРИ МАШАҚҚАТЛИ, ГОҲИДА ЗАВҚЛИ, СИРУ СИНОАТГА БОЙ СИНОВЛАРДАН ИБОРАТ. УНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЕНГИБ ЎТГАН ИНСОНГИНА КЎЗЛАГАН МАНЗИЛИГА ЕТАДИ. АКСИНЧА БЎЛСА... КЕЛИНГ, ЯХШИСИ ҲАЛОЛ МЕҲНАТ, ПЕШОНА ТЕРИ БИЛАН ТОПИЛГАН БОЙЛИК ИНСОННИ ИККИ ДУНЁ САОДАТИГА ЭЛТАДИ, ДЕГАН ПУРМАЪНО ҲИКМАТНИ ПУЧ ХАЁЛ ДЕБ ҲИСОБЛАБ, БУ БЕШ КУНЛИК ДУНЁДА ЎЙНАБ ҚОЛИШ КЕРАК» ДЕГАН АҚИДАГА КЎР-КЎРОНА АМАЛ ҚИЛИБ ЯШАГАН, ОХИР-ОҚИБАТ БОШИ БИР КУН ДЕВОРГА «УРИЛИБ» АФСУС-АЛАМЛАР ГИРДОБИДА ҚОЛГАН ҲАЁТ СЎҚМОҒИДА АДАШГАН ЙИГИТНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТАЙЛИК.**

— Ёшликдан оилада эркатой ўғил бўлдим, айтган гапим зумда муҳайё этиларди, — дейди умуминсонийлик тамойилига асосан эълон қилинган «Амнистия» тўғрисидаги Фармон туфайли озодликка чиққан ҳамшаҳримиз Одилжон Ўринбоев. — Минг афсуски, ўқишга, ҳунар ўрганишга меҳр қўймадим. Отам тадбиркорлик ишларини ривожлантирган, пулдор одам бўлганлиги учун бу тўғрида менда умуман муаммо деган нарса бўлмади. Аввал яхши кийиб, яхши ейишга ружу қўйган бўлсам, 16-17 ёшимда ялтираган машина, сулув қизлар хаёлимни ўғирлади. Энди мен учун 5-10 минг сўм пул бўлмай қолди, отамни амаллаб кўндириб машиналик бўлдим, сайру саёҳатлар жону дилимга айланди. Онам минг бир ҳаракат билан Тошкент Давлат техника университетига ўқишга киргазиб қўйгани билан ўқишга ёлчитиб бир йил ҳам қатнаганим йўқ.

Афсус, менинг ҳамиша шундай бўлади, деб юрган хом хаёлларим бир куни тумандек тарқаб, саробга айланди. Ҳозир эслаш мен учун ниҳоятда қийин. Спиртли ичимликка муккамдан кетган кунларимнинг бирида автоҳалокатга йўлиқдим. Мен билан бирга бўлган энг яқин дўстим Мурод, ён қўшнимизнинг яккаю ягона қизи Санам воқеа жойининг ўзида ҳалок бўлишди. Фаррух эса (ўша куни у менинг ўрнимга рулда бўлганди) бир умрга ногирон бўлиб қолди.

Мен... Мен эса... тирик қолдим, тўрт мучам соғ, лекин маънан ўлик бўлиб қолдим. Қилмишимга яраша панжара ортида ўтирдим, кун, тунларни санадим, лекин виждон азобига дош беришнинг ҳеч қандай йўлини тополмадим. Гўёки кар ва соқовга, кўр ва қўл-оёқсизга ўхшайман. Тушларимда Мурод ва Санамни кўраман, уларнинг аччиқ кўз ёшлари, унсиз фарёдларини эшитаман, кўзимни очсам Фаррух икки оёғи йўқ ногирон ҳолда тепамга келиб тургандек бўлади.

Афсус-надоматдан, пушаймондан фойда йўқ, энди дейману дунёларга сиғмай кетаман. Ҳаёт йўлим, қоқилганларимни баён қилишдан мақсад, менинг аччиқ қисматим бошқаларга ибрат бўлсин, отасининг даврида ялло қилиб юрган «эркатой»лар кўзларини очишларини истайман. Бегуноҳ кетган тенгдошим, азизларим мени кечиришсин.

**Армонли дил сўзларини**
**Азиза МУҲАМЕДОВА**
**қоғозга туширди**

*Мунажжим башорати*

## ЯНГИ ИШЛАРНИ БОШЛАЙВЕРИНГ

**14 АВГУСТ, СЕШАНБА**

**Мунажжимларимиз бугун инсонлардаги соддадлик ва ирода сустлиги кўпроқ намоён бўлишини таидлашган. Сатурн ва Зуҳро юлдузлари қувватларининг бирлашиши сулҳпарварлик ва муроса йўлларини излашни талаб этади.**

Ойбоши бўлгани учун янги ишга бемалол қўл уравериш мумкин. Янги режаларингизни амалга ошириш устида сабот ва сабот билан ишлашингиз мумкин. Бугун қуёш чарлаб туриб, ёмғирда қолиш бойлик ва бахтдан дарак берувчи яхшилик аломатидир. Камалак рангларини кўриш эса, орзуларингиз рўёбга чиқишига ишора.

**БУГУН:**

— хизмат сафари ёки туристик саёҳатга отланиш;
— иш, ўқиш жойи, машғулот турини ўзгартириш;
— турмушингизга ҳар хил янгиликларни жорий этиш
— фаоллик ва тезкорлигингизни намоён этиш;
— бирон ишга қўл уришдан олдин унинг эҳтимол қилган оқибатларини яхшилаб ўйлаб олиш тавсия этилади.

Оилавий муаммоларни ҳал этишга ҳаддан зиёд берилиб кетишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Кийимларнинг ҳаворанг, олтинранг ва кўк тусларига устуворлик берганингиз маъқул.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси таниқли журналист, моҳир таржимон
**Ҳусан РЎЗМЕТОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

1 2 3 4

Топширилган вақти: 13.20